

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ИСМОИЛОВА ДИЛДОРА ЎКТАМОВНА**

**АЁЛЛАРДА ГЕНИТАЛ ЭНДОМЕТРОЗИНИНГ КЛИНИК  
ИММУНОЛОГИК РИВОЖЛАНИШ МЕЗОНЛАРИ ВА  
ДИФФЕРЕНЦИАЛ ИММУНОКОРРЕКЦИЯНИ АСОСЛАШ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Исмоилова Дилдора Ўктамовна**

Аёлларда генитал эндометриознинг клиник иммунологик ривожланиш  
мезонлари ва дифференциал иммунокоррекцияни

асослаш..... 5

**Исмоилова Дилдора Уктамовна**

Клинико-иммунологические критерии развития генитального  
эндометриоза у женщин и обоснование дифференцированной  
иммунокоррекции..... 23

**Ismoilova Dildora Uktamovna**

Clinical and immunological criteria for the development of genital  
endometriosis in women and justification of differentiated  
immunocorrection..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published scientific works ..... 48

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ИСМОИЛОВА ДИЛДОРА ЎКТАМОВНА**

**АЁЛЛАРДА ГЕНИТАЛ ЭНДОМЕТРОЗИНИНГ КЛИНИК  
ИММУНОЛОГИК РИВОЖЛАНИШ МЕЗОНЛАРИ ВА  
ДИФФЕРЕНЦИАЛ ИММУНОКОРРЕКЦИЯНИ АСОСЛАШ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология  
14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2PhD/Tib713 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Мусаходжаева Дилорам Абдуллаевна**  
биология фанлари доктори, профессор

**Магзумова Наргиза Маҳкамовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Сельков Сергей Алексеевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
Россия Федерацияси)

**Ихтиярова Гулчехра Акмаловна**  
тиббиёт фанлари доктори.

**Етакчи ташкилот:**

**«Кубан давлат тиббиёт университети»**  
Федерал давлат бюджет олий таълим муассасаси  
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А. Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: [buhmi@mail.ru](mailto:buhmi@mail.ru)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А. Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.Ш. Иноятов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
асосидаги бир марталик Илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори

**Д.Н. Ачилова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
асосидаги бир марталик Илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

**Н.А. Нуралиев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
асосидаги бир марталик Илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Эндометриоз – гинекологиянинг муҳим муаммоларидан бири. Замонавий тиббиётдаги катта аҳамиятларига қарамасдан, касалликнинг патогенези охиригача ўрганилмаган, уни ташхислашнинг бирорта ҳам мезони йўқ, даволаш масаласида эса яқин кунларгача асосан жарроҳлик амалиёти ёки гормонал таъсир усуллари устун келган. Клиник намоёнликнинг турлича эканлиги, оқибатларининг репродуктив тизимга жиддий таъсири, ҳаёт сифатининг ёмонлашиши эндометриозни демографик аҳамиятга эга бўлган муҳим тиббий-ижтимоий муаммо эканлигини кўрсатади.

Жаҳон миқёсида гинекологик касалланиш тузилмасида эндометриоз яллиғланиш касалликлари ва бачадон миомасидан кейин учинчи ўринда туради. «Бу касаллик 21–40% бепушт аёлларда ташхисланади, 70–90%ида сурункали тос оғриғи сабаби ҳисобланади»<sup>1</sup>. Бунда генитал эндометриознинг 92 – 94%ини ташкил қилади. «Касалликнинг ёшариши кузатилмоқда, эндометриоз кўп ҳолларда ёш туғмаган аёлларда, ўсмирларда аниқланмоқда»<sup>22</sup>. Шундай қилиб, ҳар йилги касалланиш дунё адабиёти маълумотларига кўра 0,1–0,3%ини ташкил қилади.

Эндометриознинг иммунологик этиологияси ва патофизиологияси бу касалликни даволашда иммунологик ёндашувнинг самараси борлигини тахмин қилишга имкон беради, натижаси - эктопик жойлашган эндометрийга нисбатан иммунитет кўрсаткичлари функциясининг нормаллашишидир.

Генитал эндометриозни (ГЭ) ташхислашнинг аниқлиги ва мақбуллиги муҳим масала, унинг ечими топилишига аёлнинг репродуктив ва соматик соғлиги келажаги билан боғлиқ.

Бугунги кунда мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини дунё стандартлари талабларига мослаштириш, генитал эндометриоз мавжуд аёлларда гинекологик касалликларни даволаш ва профилактика қилишда сезиларли ўзгаришларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар комплексида «...мамлакатимизда тиббий ёрдам самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек тиббий стандартизация тизимини яратиш, юқори технологик даволаш методларини жалб қилиш йўли билан соғлом ҳаёт тарзини қўллаб-қувватлаш, патронаж, диспансеризация ва касалликларнинг олдини олишни самарали моделларини яратиш...»<sup>3</sup> каби вазифалар келтирилган. Шунинг учун аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги даражага кўтариш, репродуктив ёшдаги аёлларда генитал эндометриозни эрта ташхисини ва даволашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш муҳим ўринга чиқмоқда.

<sup>1</sup> S.Schrager, J.Falleroni, J.Edgoose. Evaluation and Treatment of Endometriosis.. PMID: 23317074.,-2013.- Vol.87,№2.-P. 108.

<sup>2</sup> Ярмолинская М.И., Айламазян Э.К. Книга: Генитальный эндометриоз. Различные грани проблемы., Изд. Эко-Вектор., 2017. 615 с.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисида 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.

Ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021-йилларга ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2018 йил 7-декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан мукаммаллаштиришнинг комплекс чоралари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20-июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021-йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сон Қарори, шунингдек мазкур соҳада қабул қилинган, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларга мос келади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Эндометриознинг турли жиҳатларига бағишланган тадқиқотлар сони кўплигига қарамасдан, ҳалигача ушбу касалликнинг этиологияси ва патогенези тўғрисидаги саволлар жумбоқ бўлиб қолмоқда (Баринов С.В. ва ҳаммуал., 2015; Зайнетдинова Л.Ф. ва ҳаммуал., 2017; Коган Е.А. ва ҳаммуал., 2017). Ҳозирги пайтда кўпчилик муаллифлар ишларида эндометриод гетеротоплар ривожланишида иммун бузилишларнинг ўрни ҳақидаги савол музокарага қўйилган (Корсақ В.С. ва ҳаммуал., 2012; Красильникова А.К., 2018). Кўрсатилганки, ташқи генитал эндометриоз бўлган аёлларда цитотоксик фаолликка эга бўлган хужайранинг функцияси бузилган (Сухих Г.А., 2014; Овакимян А.С., 2016), перитонеал макрофаглар фаоллашиши кучайган ва улар томонидан яллиғланишга олиб келадиган цитокинлар ва ўсиш омилларининг ишлаб чиқарилиши ҳам бузилган (Анциферова Ю.С. ва ҳаммуал., 2007; Сельков С.А. ва ҳаммуал., 2008), бироқ ҳозирги кунга келиб адгезияловчи молекулаларнинг иммун тизими турли популяцияларида экспрессиянинг ўзига хослиги кам ўрганилган. Ташқи генитал эндометриозда В-лимфоцитлар популяцион таркибининг ўзига хосликлари ҳақида маълумотлар деярли йўқ. Шуниси маълумки, эндометриоз бўлган аёлларда аутоантигенлар ишлаб чиқарилиши кучайган (Чобанян А.Г., 2007; Анциферова Ю.С., 2012) ва бу феноменни кўпчилик муаллифлар эндометриоз бўлган аёлларда бепуштликнинг кўплиги билан боғлайди (Адамян Л.В. ва ҳаммуал., 2017). Бироқ, генитал эндометриоз ва бепуштликда иммунитетнинг гуморал бўғини таъсири фаоллигини бошқарадиган механизмлар охиригача ўрганилмаган. Генитал эндометриозда репродуктив тизими ҳолатига боғлиқ ҳолда иммун бузилишларни дифференциал таҳлилинини ўтказиш алоҳида қизиқиш уйғотади, чунки ҳалигача эндометриоз бўлган аёлларда эндометриод гетеротопиялар пайдо бўлиши ва бепуштлик ривожланишига бир хил иммун бузилишлар олиб келиши тўғрисидаги савол жавобсиз қолмоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент тиббиёт академияси ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Иммунология ва инсон геномикаси институти режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** аёлларда генитал эндометриознинг клиник иммунологик ривожланиш мезонлари ва дифференциал иммунокоррекцияни асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

генитал эндометриози бўлган аёлларнинг клиник хусусиятларини таърифлаш ва репродуктив саломатлик бузилиши келиб чиқишининг хавф омилларини аниқлаш;

генитал эндометриози бўлган аёлларда туғма ва адаптив иммунитетнинг параметрларини ўрганиш;

генитал эндометриоз ташхисланган беморларни клиник аломатларига қараб комплекс даволашда иммунокоррегик терапиянинг самарасини баҳолаш;

ўтказилган текширувларга таяниб, генитал эндометриози бўлган аёлларни олиб боришда дифференциация қилинган ёндашувни асослаб бериш учун иммуномодуляторларга кўрсатмалар алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** 142 нафар аёл, улардан 112 нафари генитал эндометриози бўлган аёллар, назорат гуруҳини 30 нафар амалий соғлом аёллар ташкил қилинган.

**Тадқиқотнинг предмети** иммун тизимининг асосий кўрсаткичларини сон жиҳатдан аниқлаш учун вена қони ва перитонеал суюқлик.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда клиник-анамнестик, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор генитал эндометриозли аёллар бепуштлигида туғма иммунитет кўрсаткичлари ишонарли пасайиши (CD16+, IFN- $\gamma$  ва фагоцитоз) фертиллиги сақланган аёлларда эса мутаносиб равишда киллерлик фаоллиги ва IFN- $\gamma$  миқдори ортиши аниқланган;

илк бор генитал эндометриозли аёллар иммун тизимида IL-2 цитокин миқдорининг камайиши фонида IL-4, IL-6, IL-18, MCP-1 ва TGF $\beta$ -1 цитокинлар маҳсулотининг ортиши билан боғлиқлиги аниқланган;

генитал эндометриозли бепуштлиги бўлган аёлларда иммуномодулятор дори воситалари жарроҳлик ва гормонал даволашга мутаносиб равишда ижобий таъсири бўлса, фертиллиги сақланган аёлларда гормонал даволаш самарадорлигини ошириш хусусиятига эга эканлиги исботланган;

илк бор генитал эндометриозли бепушт ва фертиллиги сақланган аёлларда туғма иммунитет (CD16+, IFN- $\gamma$  ва фагоцитоз) кўрсаткичлари билан иммун тизим цитокинлари (IL-2, IL-4, IL-6, IL-18, MCP-1 ва TGF $\beta$ -1) маҳсулоти ўзгаришининг ўзаро узвий боғлиқлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

генитал эндометриозни даволашнинг самарали усуллари танлашга мукаммаллашган ёндашув комплекси таклиф қилинган;

клиник белгиларига қараб генитал эндометриоз ривожланишида туғма ва гуморал иммунитет таъсирларининг ўзига хосликлари аниқланган.

генитал эндометриозли бепуштлиги бўлган аёлларда иммунодиагностиканинг янги усуллари ишлаб чиқилган;

генитал эндометриозли бепуштлиги бўлган ва фертиллиги сақланган аёлларда комплекс давода иммунокоррегик терапиядан самарали фойдаланилиши исботланган;

генитал эндометриозли бепуштлиги бўлган ва фертиллиги сақланган аёллар учун ишлаб чиқилган комплекс даво алгоритми даволаш самарадорлигини оширган, касаллик асоратлари ва рецидивлар сонини ишонарли камайтирган, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** замонавий ва апробациядан ўтган назарий ва амалий метод ва ёндашувларнинг қўлланилиши, танланган беморларнинг етарли сони билан аниқланади, олинган натижаларнинг ишончлилиги бир-бирини тўлдирувчи ва ўзаро назорат қилувчи тадқиқот усулларида фойдаланиб тасдиқланган. Олинган натижаларнинг чет эл ва мамлакатимиз муаллифлари томонидан олинган бошқа натижалар билан таққослаганда натижаларнинг ишончлилиги ва хулосаларнинг асослилигини тасдиқланган ҳамда хулосалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти эндометриоз бўлган аёлларнинг илк бор периферик қони ва перитонеал суюқлигидаги иммунологик механизмлар ўзгаришлари аниқланган. Иммунокорректор дори воситалари иммун тизими кўрсаткичларини барқарорлашишига олиб келиши ва узоқ давом этадиган ремиссиялар учун зарур шароитларни таъминлаб бериши асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, амалиётга тадбиқ қилиш учун генитал эндометриози бўлган беморларни касалликнинг клиник аломатларига қараб комплекс даволашда иммунокоррегик терапиянинг самарасини баҳолаган ҳолда, генитал эндометриози бўлган аёлларни олиб боришда самарали методларини танлашга мукаммаллашган комплекс ёндашув таклиф қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Аёлларда генитал эндометриознинг клиник иммунологик ривожланиш мезонлари ва дифференциал иммунокоррекция асосларини аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

«Генитал эндометриозни комплекс даволашда иммунокоррекция усуллари» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 31 октябрга 8н-д/249-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома генитал эндометриознинг иккиламчи иммунтанқислик жараёнларида иммун тизим ҳолатини иммунокоррекция қилиш учун хизмат қилган;

«Генитал эндометриозли аёлларда тизимли иммунитетни баҳолаш алгоритми» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 31 октябрга 8н-д/249-сон маълумотномаси). Мазкур



услубий тавсиянома генитал эндометриозли аёлларда тизимли иммунитет холатини баҳолаш учун хизмат қилган;

Аёлларда генитал эндометриоз ривожланиши, олдини олишнинг клиник-иммунологик хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан Тошкент тиббиёт академияси 2-сон клиникаси ва Хоразм вилояти перинатал маркази фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 2 октябрдаги 8н-з/123-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар генитал эндометриозли аёлларда тизимли иммунитет холатини баҳолаш, иккиламчи иммунтанқислик жараёнларида иммун тизим холатини иммунокоррекция қилиш асосида касаллик асоратларини камайтириш ҳамда уларни стационарда даволаниш муддатини қисқартириш билан тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, уларнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети таснифланган, тадқиқотнинг Республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ қилиниши ва диссертациянинг таркиби ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Генитал эндометриознинг иммунологик муаммолари ҳақидаги замонавий тасаввурлар (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида эндометриоз масалаларига бағишланган тадқиқот ишлари, иммунологик жиҳатларини тизимлаштирилган ташхислаш ва профилактиканинг ҳозирда мавжуд усуллари таҳлил қилинганлиги бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётлар батафсил ўрганилган, генитал эндометриоз бўлган беморларда иммун дисфункциянинг бўлиши комплекс даво натижаларини яхшилашга уриниш мақсадида иммунокорректорларни қўллаш имкониятини аниқлаб бериши кўрсатилган, шунингдек ушбу муаммонинг аниқлаштиришни талаб қиладиган томонлари ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Генитал эндометриоз бўлган аёлларда тадқиқот ашёси ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материаллар ва

тадқиқот усулларига умумий тавсиф келтирилган. Тадқиқот иши 2015 йилдан 2019 йилгача Хоразм вилоят перинатал марказининг гинекология бўлимида, Урганч шаҳар “Идеал файз” шифо клиникасининг гинекология бўлимида, Тошкент тиббиёт академияси гинекология бўлимида, Тошкент шаҳар 3-сонли туғруқхонаси қошидаги гинекология бўлимида олиб борилган.

Тадақиқотга 112 нафар репродуктив ёшдаги генитал эндометриози бўлган аёллар жалб қилинган. Ташхис Америка фертилик жамияти таснифига кўра қўйилган (R-AFS) (1985, 1986); ХКТ–10 бўйича код – N83.0 Тос пардаси эндометриози, ёки минимал ва енгил эндометриоз билан (Америка репродуктив тиббиёт жамияти таснифига кўра 1996 йилда қайта кўриб чиқилган).

Аёллар ёши 20 ёшдан 38 ёшгача бўлган, ўртача ёш 29 ёшни ташкил қилган. Текширилган бемор аёллар клиник симптомларига қараб 2 гуруҳга ажратилган: 1-гуруҳ – эндометриознинг I–II босқичи ва бепуштлик билан оғриган 65 нафар аёлдан; 2-гуруҳ – эндометриознинг I–II босқич ва фертиллиги сақланган 47 нафар аёлдан иборат. Назорат гуруҳини - 30 нафар репродуктив ёшдаги, фарзандлари бор, оилали охирги 6 ой ичида соматик ва гинекологик касалликлар билан оғримаган амалий соғлом аёллар ташкил қилган.

Клиник усуллар гинекологияда стандарт ҳажмли тадақиқотларни ўз ичига олган: анамнез йиғиш, умумий ва гинекологик кўрик, жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун зарур лаборатор текширувлар (қоннинг умумий таҳлили, қон гуруҳи вarezус-омилни аниқлаш, сийдик умумий таҳлили, қон биохимик таҳлили, коагулограмма, Вассерман бўйича текшириш, қин тозалигини аниқлаш учун суртмалар). Барча аёллар терапевт кўригидан ўтган, кўрсатмалар бўйича – невролог, окулист, эндокринологдан ҳам ўтишган. Бемор аёлларни кўриқдан ўтказиш схемасига ЭКГ ва УТТ ҳам киритилган.

Назорат гуруҳидаги ва генитал эндометриозли бепушт аёлларга Karl Stors (Германия) курилмасини ишлатиб, даволовчи-диагностик лапароскопия ўтказилган: генитал эндометриоз ўчоқларини резекцияси, коагуляция қилиш, эндометриод кисталар цистэктомияси, чандиқларни ажратиш. Барча иммунологик текширувлар ЎзР ФА Иммунология ва нсон геномикаси институтида репродукция иммунологияси лабораториясида ўтказилган. Периферик қонда CD3+, CD20+, CD4+, CD8+, CD16+ фенотипли лимфоцитлар миқдори LT сериядаги (ТОО “Сорбент”, Москва) моноклонал антитаначлар ёрдамида Гариб Ф.Ю. ва ҳаммуал. (1995) усули бўйича ўрганилган. Қон зардобидаги IgG, IgA, IgM миқдори ИФА (Вектор Бест, РФ) усули билан аниқланган. Цитокинлар даражаси: IL-2, IFN $\gamma$ , IL-4, IL-6, IL-18, TGF $\beta$ 1 ва MCP-1 қон зардобида ва перитонеал суюқликда (ПС) ИФА («Вектор Бест», РФ) усулида ўрганилган. Статистик таҳлил IBMда STATISTICA 6 дастури ёрдамида амалга оширилган. Таққосланаётган аломатлар бўйича гуруҳлар ўртасидаги фарқ P<0,05 да статистик аҳамиятли деб олинган. Коррекция усуллари: жарроҳлик (лапароскопия), диеногест, Ронколейкин, Ликопид.

Диссертациянинг «Генитал эндометриози бўлган аёлларни клиник тавсифлаш» деб номланган учинчи боби кўриқдан ўтган аёлларнинг клиник-

инструментал тавсифига бағишланган. 112 нафар аёлнинг тиббий картасидаги маълумотларига кўра шикоятлари, касаллик анамнези, умумий клиник ва махсус текширув усуллари натижалари ўрганилган. Бунда куйидагиларга эътибор берилган: шикоятлар ва касаллик аломатларининг пайдо бўлиш вақти ва тартиби; яқин қариндошларда ҳайз ва генератив функциянинг бузилиш ҳолатлари. Ҳайз илк бор келган ёш ҳисобга олинган, ҳайз даврининг табиати; ҳайз бошланиш ёши, табиати, давомийлиги ва ҳаёзнинг бузилиш сабаблари; хомиладоликлар бўлганлиги, уларнинг кечиши ва оқибати; анамнезда гинекологик касалликлар мавжудлиги ва уларнинг табиати, жарроҳлик амалиётлари ва жароҳатлар, шунингдек экстрагенитал патология бор-йўклиги; олдин ўтказилган текширувлар, даволаниш усуллари ва давомийлиги таҳлил қилинган.

Беморларнинг ўртача ёши 29 ёшни ташкил қилган. Барча текширилаётган гуруҳлардаги кўпчилик аёллар фаол репродуктив ёшда бўлган.

Эндометриоз ривожланишининг хавф омилларига ҳайзнинг кеч бошланиши, кўп қон кетиши ва оғриқ билан кечадиган ҳайзлар киради. Эндометриоз бўлган аёлларда ҳайз функциясининг бошланиш давридаги алоҳида хусусиятлар таҳлили ўтказилган. Генитал эндометриозли 1-гуруҳ аёлларида ҳайзнинг бошланиши асосан 14-15 ёшда бўлган. Генитал эндометриозли репродуктив функцияси сақланган аёлларда ҳайз 13-15 ёшда бошланган. Ҳайзнинг ўз вақтида бошланмаслиги эндометриози бўлган бепушт аёлларда кўпроқ учраган.

Ҳайзнинг ўз маромида кечиши назорат гуруҳ аёлларида кузатилган, 1-гуруҳ ва 2-гуруҳ аёлларида эса ҳайзнинг давомийлиги  $32,0 \pm 2,5$  ва  $34,0 \pm 2,3$  кунни ташкил қилган.

Текширилган аёлларда касалликнинг клиник белгиларига кўра учта катта гуруҳга умумлаштирилган: оғриқ синдроми (86,6%), ҳайзнинг бузилиши (88,4%) ва бепуштлик (58,03%). Шунини таъкидлаш жоизки, кўпчилик беморларда (85) касаллик клиник белгилари турлича комбинацияда бўлган.

Устун клиник белгилар (оғриқ ва ҳайз функциясининг бузилиши) учраш сони бўйича ўрганилган гуруҳлар ўзаро фарқ қилмаган. Шундай қилиб, оғриқ синдроми бепушт аёллар гуруҳида 83,1% ва фертиллиги сақланган аёллар гуруҳида 85,1% учрайган.

Диспареуния ва чаноқ сурункали оғриғи деярли ҳар бешинчи аёлда учраган, бунда диспареуния эса кўпроқ бепушт аёлларда кузатилган. Диспареуния бепушт аёлларда 13,8%ини ташкил қилган ва 10,6% фертиллиги сақланган аёлларда кузатилган. Чаноқ сурункали оғриғи бепушт аёлларнинг 20,0%да ва 21,3% фертиллиги сақланган аёлларда кузатилган.

Дисменорея, локализациясига кўра, тухумдонлар эндометриози учун хос бўлди – 53,1%. Эндометриознинг кўшма шаклларида дисменорея 35,5% бемор аёлларда, перитонеал шаклида 28,0%, ретроцервикал шаклида эса 1нафар бемор аёлда кузатилган.

Диспареуния тухумдонлар эндометриози бўлган 12,7% бемор аёлда кузатилган, ва кўпинча бачадон орқаси бўшлиғида жойлашган

(ретроцервикал) эндометриоз билан боғлиқ бўлган. Чанок сурункали оғриғи 16,2% беморда бўлган, улардан 33,3% ретроцервикал эндометриоз ва 29% қўшма шаклдаги эндометриоз билан оғриган. Чанок сурункали оғриғи тухумдонлар эндометриози бўлган 8,5% беморда кузатилган.

Шундай қилиб, оғриқ синдроми ривожланишининг учраш сони ва табиати эндометриоид гетеротопиялар локализациясига боғлиқ бўлган.

Учраш сони бўйича иккинчи ўринда турадиган шикоят ҳайзнинг бузилиши эди. У 25,3% бемор аёлда, яъни ўрганилган аёлларнинг деярли ҳар учинчисида кузатилди. Ҳайзнинг бузилиши кўпинча ҳайздан олдин ва кейин келадиган қонли ажратмалар кўринишида намоён бўлди. Кам ҳолларда гиперполименорея учраган.

Сўровномада белгиландики, касалликнинг давомийлиги биринчи клиник белгилари намоён бўлгандан шифокорга учрагунча 4-6 йил вақт ўтган. Кўпчилик беморлар бир ёки икки йил давомида маслаҳат сўраб бормаган, оғриқли ҳайзни эндометриоз билан боғламаган, оғриқ қолдирувчи дори воситаларини қабул қилишда давом этган.

Мурожаат қилгунга қадар, кўпчилик беморлар (66,9%) турлича даволанган. 60,5% бемор аёлларга бачадон ортикларининг сурункали яллиғланиш терапияси ўтказилган. 26,7% бемор аёллар турли хил гормонал даво қабул қилган. Даволанишдан сўнг кўпгина беморлар кузатувда бўлмаган. 2-гуруҳ аёлларида ва назорат гуруҳида репродуктив функция тўлиқ амалга ошган. Эндометриоз бўлган аёлларнинг 100%да (1-гуруҳ) бепуштлиқ кузатилган, унинг давомийлиги 1 йилдан 7 йилгача бўлган. Фертиллиги сақланган аёллар 100% ҳолларда контрацепциядан фойдаланган: тўсиқ контрацепцияни 68,9%, бачадон ичи турини эса 27,2%, гормонал дори воситаларини 6,8% аёл қўллаган.

Ўтказилган соматик касалликлар орасида нейроциркулятор дистониянинг гипотоник ёки гипертоник тури белгиланган, анамнезда аллергия реакциялар, ошқозон-ичак тракти касалликлари (сурункали гастрит, гастродуоденит, сурункали холецистит, ўт қопи тош касаллиги, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси). Анамнезда жарроҳлик амалиётларига асосий кўрсатмалар ўткир аппендицит ва қорин чурраси бўлган. У назорат гуруҳига нисбатан кўпроқ 1- ва 2- гуруҳларда сезиларли учраган. Кичик чанок аъзолари яллиғланиш касалликлари анамнезда 39,3% эндометриози бор бепушт беморларда учраган, бу назорат гуруҳидан аниқ кўпроқ 15,5%. Анамнезда кичик чанок аъзолари яллиғланиш касалликлари бўлганлиги эндометриознинг “кичик” шакллари ривожланиш хавфини 1,33 мартага ошираган. Бачадон бўйни ноинвазив касалликларининг мавжудлиги (15,1%), тухумдонлар кистаси (2,3%) асосий гуруҳ беморларида назорат гуруҳидаги аёлларникидан фарқ қилмага (20,4% ва 2,0%), тегишлича,  $p > 0,05$  иккала ҳолда ҳам. Тухумдонлар эндометриоид кисталарнинг анамнезда бўлганлигитарқалган эндометриоз қайталаниш (рецидив) хавфини 2,02 мартага оширади. Анамнезда гиперпролактинемия микро- ва макропролактинома бўлмаган ҳолда (МРТ бўйича) эндометриози бор аёлларда кўпроқ, яъни назорат гуруҳи билан солиштирганда 10,9% аёлларда учраган. Бачадон бўйнида ўтказилган жарроҳлик амалиётлари 2-гуруҳдаги

23 нафар (26,7%) аёлда ўтказилган, бу назорат гуруҳидагидан ва 1-гуруҳдагидан (15,1%) ишончли равишда кўпроқ (20,4%) бўлган. Ўрганилган гуруҳлар аёлларига яқка ҳолларда тубэктомия ўтказилган, ( $p > 0,05$ ).

Бемор аёллар юқумлилиқ ҳолатини баҳолаш шуни кўрсатдики, 2-гуруҳ аёлларида ўткир ва сурункали вирусли ва бактериал инфекция маркерининг учраш сони назорат гуруҳининг тегишли кўрсаткичларидан фарқ қилмаган, бир пайтнинг ўзида 1-гуруҳ бемор аёлларида бир қатор фарқлар аниқланди. Эндометриози бор бепушт аёлларда вирусли инфекцияни пайдо бўлиши 14,0% ни, 2-чи гуруҳ аёлларда – 24,4% ни ташкил қилган.

Эндометриоз ва бепуштликнинг хавф омиллари қуйидагилар бўлган: ҳайзнинг ўз вақтида келмаганлиги, аллергия реакциялар, жарроҳлик амалиётлари, кичик чанок аъзоларининг яллиғланиш касалликлари, эндометриод гетеротопияларни олиб ташлаш бўйича олдин амалга оширилган жарроҳлик амалиётлари, бактериал-вирусли инфекциянинг юқори юқтирилганлиги.


Ҳайзнинг ўз вақтида бошланмаганлиги, аллергия реакциялар, анамнезда қорин пардаси ва қорин бўшлиғида ўтказилган жарроҳлик амалиётлари, эндометриод гетеротопиялар ва эндометриод кисталарни олиб ташлаш бўйича олдин қилинган жарроҳлик амалиётлари, вирусли касалликларнинг юқори учраш сони эндометриоз ва бепуштлик ривожланиш хавфини ошираган.

Диссертациянинг «**Текширилган аёлларда хужайравий ва гуморал иммунитет ҳолати**» деб номланган тўртинчи бобида генитал эндометриоз бўлган бемор аёлларнинг периферик қонидаги иммунологик кўрсаткичлар нафақат эндометриод ўчоқлар мавжудлиги ва ўсиши билан, балки ушбу касаллик билан бирга келадиган клиник симптомлар билан ҳам боғлиқ деган тахминимизни исботлаш учун генитал эндометриози бўлган аёлларда бепуштлик бор-йўқлигига қараб иммун ҳолатининг дифференциациялашган таҳлилинини ўтказилган: 1-гуруҳ генитал эндометриозли бепуштлиги бўлган аёллар, 2-гуруҳ генитал эндометриозли фертиллиги сақланган аёллар.

Генитал эндометриози бўлган аёлларда иммунокомпетент хужайралар нисбий миқдорини ўрганиш бўйича ўтказилган текширувлар таҳлиliga кўра, назорат гуруҳига нисбатан 1- ва 2-гуруҳда CD3+ хужайраларининг кўрсаткичларини тушганлигини кўрсатган ( $p < 0,05$ ). Хелперлик фаоллиги таҳлили ҳам назорат гуруҳига нисбатан пасайганлигини кўрсатган ( $p < 0,05$ ). Т-лимфоцитларнинг яна бир субпопуляциясини Т-супрессорларни ўрганиш, ташқи генитал эндометриози бўлган бепушт аёлларда CD8 + лимфоцитлар даражаси сезиларли даражада пасайганлигини кўрсатди ( $p < 0,05$ ) ва туғиш қобилияти сақланиб қолган беморларда сезиларли кўпайиши кузатилган, ( $p < 0,01$ ), (1 расм).

Тадқиқотларида гуморал иммунитет В лимфоцитларининг (CD20 + хужайралар) миқдорий таркиби ва IgG, IgA ва IgM антитаначалари даражаси билан тавсифланаган. Генитал эндометриози бўлган бепушт аёлларнинг периферик қонида В-лимфоцитларнинг нисбий қиймати 1,57 барабар ошган ( $p < 0,01$ ).

Генитал эндометриоз бўлган фертиллиги сақланган беморларда В-лимфоцитлар даражасининг кўтарилиш тенденцияси мавжуд бўлган. Бепушт аёлларда IgG сезиларли даражада ошганлиги аниқланган ( $p < 0.05$ ). Фертиллиги сақланган беморларда IgG миқдори сезиларли пасайган ( $p < 0.05$ ).



1- расм. Генитал эндометриози бўлган аёлларда иммунитетнинг кўрсаткичлари

Бепушт аёлларда IgA даражаси назорат кўрсаткичларидан 1,64 баравар юқори бўлган. Генитал эндометриоз билан касалланган ва туғиш қобилияти сақланган беморларда IgA даражасининг сезиларли пасайиши кузатилган ( $P < 0.05$ ). IgM даражасини ўрганиш шуни кўрсатдики, бепушт аёлларда унинг даражаси назорат гуруҳидаги даражадан фарқ қилмайди. Аммо туғиш сақланиб қолган аёлларда IgM миқдори сезиларли даражада ошган ( $p < 0.05$ ).

Генитал эндометриоз бўлган бепушт аёлларда киллерлик фаоллиги даражаси (CD16 +) сезиларли даражада камайган ( $p < 0.01$ ). Генитал эндометриоз ва туғиш сақланиб қолган аёлларда CD16 + даражаси сезиларли даражада ошган ( $p < 0.05$ ). Генитал эндометриозли ва фертиллиги сақланиб қолган аёлларда нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллиги сусайиши аниқланган. Бепушт аёлларда фагоцитар фаоллик янада кўпроқ сусайган ( $p < 0.01$ ). Олинган маълумотлар уларнинг етук хужайралар шаклига ўтишининг узилиши ва уларнинг киллерлик фаоллирини пасайишини кўрсатиши мумкин, бу Т-хужайрали иммун бошқаришни бузиш билан бирга, гетеротопияларнинг ривожланишига ёрдам берган.

IFN $\gamma$  концентрациясини ўрганиш борасидаги тадқиқотларимиз бепушт аёлларда IFN $\gamma$  концентрацияси сезиларли даражада пасайганлигини кўрсатган ( $p < 0.05$ ). Генитал эндометриоз билан касалланган ва фертиллиги сақланиб қолган беморларда уларнинг таркиби назорат қийматларидан 2,2 баравар юқори бўлган ( $p < 0.01$ ). Нейроиммуноэндокрин ўзаро таъсир даражасида гомеостазни сақлашда муҳим рол ўйнайдиган IFN $\gamma$  ишлаб чиқариш бузилганлиги тос аъзоларининг сурункали касалликларига хос.

Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, генитал эндометриоз билан касалланган барча аёлларда IL-2 даражаси сезиларли даражада пасайган. Аммо бепушт аёлларда чуқурроқ ўзгаришлар кузатилди ( $p < 0.01$ ). Умуман олганда, IL-2 нинг пасайиши эндометриозли беморларда фаоллаштирилган Т-лимфоцитлар ва НК-хужайраларининг пасайиши билан боғлиқ. Ушбу ҳодиса бепуштликда кучайган.

Тадқиқотларида бепушт аёлларда IL-4 даражаси сезиларли даражада ошганлиги аниқланган ( $p < 0.01$ ). IL-6-гликопротеин, бу иммунитет ва ўткир фазада яллиғланиш реакцияларини, шунингдек онкогенез ва гематопоезисни мувофиқлаштирадиган кўп функцияли цитокин. Тадқиқотларида генитал эндометриоз билан оғриган аёлларда IL-6 даражаси назорат қийматидан 2,6 баравар юқори бўлган. Бепушт аёлларда IL-6 синтези фертиллиги сақланган аёлларга қараганда анча юқори ва назорат қийматларига нисбатан 3,7 баравар юқори ( $p < 0.001$ ).

IL-18, IFN $\gamma$  қўзғатувчи омил бўлиб, IL-1 оиласига тегишли яллиғланишга қарши цитокин. Ушбу цитокиннинг максимал қиймати генитал эндометриоз билан оғриган бепушт аёлларда қайд этилган, бу назорат гуруҳининг қийматидан ( $p < 0.001$ ) 10 баравар юқори ва генитал эндометриозли фертиллиги сақланган аёлларнинг кўрсаткичларидан анча юқори, ( $p < 0,05$ ).

Натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, бепушт аёлларда MCP-1 (моноцитар хемотоксик протеин-1) даражаси назорат гуруҳининг кўрсаткичларидан юқори ( $p < 0.01$ ). Туғиш қобилияти сақланиб қолган аёлларда MCP-1 даражаси назорат гуруҳидаги аёлларга қараганда юқори бўлган ( $p < 0.05$ ). Кўпгина тадқиқотлар MCP-1 нинг эндометриоз ривожланишидаги муҳим ролини тасдиқлайди - у қорин бўшлиғидаги яллиғланиш жараёни фаоллигининг белгисидир, бундан ташқари, эндометриоз билан бу хемокиннинг экспрессияси назоратсиз бўлиб қолади (Сао Х., 2004). TGF $\beta$ 1 ни ишлаб чиқаришда оғиш генитал эндометриоз бўлган аёлларда кузатилган. Шундай қилиб, бепушт аёлларда TGF $\beta$ 1 даражаси назорат гуруҳининг кўрсаткичларидан 1,8 баравар юқори бўлган ( $P < 0.01$ ). Генитал эндометриоз бўлган ва фертиллиги сақланган аёлларда TGF $\beta$ 1 даражаси назорат қийматларидан 2 баравар юқори бўлган ( $p < 0.01$ ). Қон зардобида TGF $\beta$ 1 нинг кўпайиши эндометриоз гетеротопларининг атипик ўзгаришларсиз ўсимтага ўхшаш жараён эканлигини тасдиқлайди (Ярмолинская М.И., 2008; Bernadete Trovo de Marqui A., 2012). TGF $\beta$ 1 нинг иммуносупрессив таъсири биринчи навбатда лимфоид хужайралар кўпайишини сусайтириш билан боғлиқ. Иммунологик реактивликни сусайтиришнинг яна бир механизми бу цитотоксик CD8 + -лимфоцитлар, перфорин ва гранзимлар учун TGF $\beta$ 1 асосий протеин генларини тўғридан-тўғри сусайтириш билан боғлиқ (Wahl S. et al., 2006; Zhang L. et.al., 2006).

Генитал эндометриоз бўлган аёлларда цитокин ҳолатини ўрганиш бўйича олинган натижалар TGF $\beta$ 1 яллиғланишли цитокинлар даражасининг MCP-1га нисбатини - цитокин индексини (ЦИ) ҳисоблашга имкон берган. Натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, назорат гуруҳидаги аёлларда ЦИ (TGF $\beta$ 1 нинг MCP-1 га нисбати)  $3,77 \pm 0,28$  бирликни ташкил этган. Генитал

эндометриоз билан оғриган бепушт аёлларда цитокин индекси  $5,73 \pm 0,42$  бирлик, туғиш қобилияти сақланиб қолган аёлларда эса  $2,67 \pm 0,21$  бирликни ташкил этган.

T-хужайрали иммунитетнинг депрессияси, антиген тақдим этадиган хужайраларнинг анергияси IL-2 ишлаб чиқариш камайиши билан биргаликда эндометриознинг клиник кечишидаги асосий патогенетик омил ҳисобланади. Бу факт иммуномодулятор дориларни генитал эндометриозни тизимли ва маҳаллий даволаш даражасида қўллаш зарурлигини тасдиқловчи далилдир.

Генитал эндометриозли ва бепушт аёлларда яллиғланиш жараёни қандай ўзгаришини аниқлаштириш мақсадида перитонеал суюқликда яллиғланишга олиб келадиган ва унга қарши цитокинлар миқдорини ўрганиш бўйича тадқиқот олиб борилган. Лапароскопик жарроҳлик амалиёти пайтида қорин бўшлиғидаги суюқлик олинган. Бепушт аёлларда назорат гуруҳи билан солиштирилганда ( $p < 0.01$ ) IL-2 даражасининг 2 баравар ( $4,2 \pm 0,2$  пг / мл) пасайиши хос бўлган.

Перитонеал суюқликдаги IL-4 даражаси бепушт аёлларда ошган,  $p < 0.05$ . Эҳтимол, генитал эндометриоз билан оғриган аёлларда перитонеал суюқликдаги Th2 туридаги цитокинлар IL-4 секрециясининг кўпайиши ва иммун реакциясини сусайтиришдаги ўрни туфайли хужайравий билвосита иммунитетни сусайтираган. Натижада, T-хужайрали цитотоксикликнинг пасайиши эндометриал хужайраларни қорин бўшлиғига имплантация қилиши ва эндометриотик ўчоқларнинг кўпайишига имкон берган. Перитонеал суюқликда IL-6 нинг кўпайиши генитал эндометриоз билан оғриган аёлларда аниқланган ва энг юқори кўрсаткич бепушт аёлларда ( $p < 0.01$ ). IL-6 ишлаб чиқаришнинг кўпайиши тўқималарнинг шикастланиши ва сурункали стресснинг мавжудлиги билан ҳам боғлиқ. Ушбу иккала омил ҳам генитал эндометриозда бор. Қорин бўшлиғидаги суюқликда МСР-1 миқдори бепушт аёлларда юқори бўлган. Генитал эндометриоз билан оғриган беморларнинг қорин бўшлиғидаги суюқликдаги МСР-1 концентрациясида кузатилган ўзгаришлар яллиғланиш жараёнларининг кучайганлигидан далолат бераган, бу бепушт аёлларда клиник жиҳатдан яққол билинган.

Маҳаллий ҳимоя таъсирларининг беқарорлиги ҳолида яллиғланиш ривожланишида давом этади, цитокинлар синтези кучаяди, улар қон айланишга тушади ва уларнинг таъсири тизим даражасида намоён бўлади. Бу ҳолатда IL-18 организмнинг гомеостазда иштирок этадиган барча аъзо ва тизимларга ўз таъсирини ўтказди. Бепушт аёлларда генитал эндометриоз фониде кескин ошган, назорат гуруҳига нисбатан 13 мартага ошган ( $p < 0,001$ ). Ўзининг плейотроп хусусиятлари ва яллиғланишни ҳар томонлама рағбатлантирадиган IL-18 ҳайз қонининг ретроград оқиб бориши натижасида перитонеал бўшлиққа тушиб қолган эндометриал хужайралар элиминацияси учун жавобгар.

Муҳимлиги бўйича бошқалардан қолишмайдиган цитокин TGF- $\beta$ 1 миқдорини ўрганиш бўйича тадқиқотлар натижасининг таҳлили унинг назорат гуруҳидаги қийматига қараганда кўпроқ эканлигини кўрсатган.

**Диссертациянинг «Генитал эндометриоз билан касалланган аёлларда иммунокорректор дори воситаларини қўллаш самарадорлиги» деб**



номланган бешинчи бобида генитал эндометриозли аёлларда клиник-иммунологик кўрсаткичлар ўзгаришига бағишланган. Тадқиқотларимизнинг кейинги босқичи даволаш чораларини амалга ошириш бўлган. Бунинг учун генитал эндометриозли бепушт аёлларни иккита кичик гуруҳга ажратдик: 30 нафар бемор аёлларга лапароскопия ўтказилган, сўнгра бу аёлларга диеност дориси билан суткасига 2 мг дозада ҳар куни 6 ой давомида узлуксиз гормонотерапия ўтказилган.

2-кичик гуруҳни 35 нафар аёл ташкил қилган, уларнинг лапароскопиява гормонотерапиясига иммунокорректорлар билан даволаш Ронколейкин кўринишида (жарроҳлик амалиёти вақтида 0,5 мг қорин бўшлиғига, жарроҳликдан сўнг 2-, 4- суткаларга ва кейинчалик ҳафтасига 2 марта 3 ҳафта давомида в/и) комплекс давога киритилган.

Даволаш давомида оғриқ синдроми учраш сони аҳамиятли камайган, агар 3 ойдан кейин у 24,6% бемор аёлларда учраган бўлса, 6 ойдан кейин фақатгина 10,7% бемор аёлларда учраган. Ҳайз кўришнинг бузилиши 1-кичик гуруҳда 3 ойдан сўнг 13,8% аёлда кузатилди, 6 ой ўтгач эса ҳайз 4,6% аёлда тўлиқ тикланмаган бўлган.

2-кичик гуруҳ аёллари натижаларининг таҳлилига кўра оғриқ синдроми 3 ойдан кейин 13,8% аёлда учраганини кўрсатди, 6 ой ўтгач эса бундай шикоят ҳеч кимда бўлмаган. Ҳайз кўриш бўйича 6 нафар аёлда 3 ойдан кейин ҳали ҳам бузилишлар бўлган, лекин 6-ойга келиб ушбу гуруҳнинг текширилган аёлларида ҳайз кўриш тикланиши кузатилган.

Генитал эндометриози бўлган аёлларни даволаш давомида иммун тизим кўрсаткичларини ўрганиш ўтказилган комплекс даво: лапароскопия + гормонотерапия натижасида ўрганилган параметрлар ўзгаришига олиб келганлигини аниқланган, бироқ назорат қийматларигача тикланиш юз бермаган, (2 расм).


